# ЯНГИ БИНОЛАР ЗАРУР

## УЛАРНИ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЭВАЗИГА ҚУРАЯПМИЗ



Лойиҳа қиймати 6 миллион сўм бўлган бинони қуриш учун 3,2 миллион сўм сарфланди. Қурилишнинг катта қисми ва ободонлаштириш ўқитувчилар, ота-оналар кучи билан амалга оширилди. Қўшни мактаб жамоалари ҳам қурилишда, ҳам синф хоналарини жиҳозлашда амалий ёрдам бердилар. 8 ойда битказилган билим даргоҳи қурилишида вилоят ва туман ҳокимликлари, вилоят хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг ҳиссаси катта бўлди. Бу ерда ишлар шу билан тугагани йўқ: Мактабни сув билан таъминлаш учун 5 километр узунликда қувур ётқизилмоқда.

Режага кўра, жорий йилда қарийб 800 ўринли 3 та янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак. Бу объектларда ҳам педагогларимиз қурувчилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишяпти. Аҳоли сонининг муттасил ўсиб бораётганлиги тумандаги бир қатор мактаблар учун янги бинолар қуришни тақозо этмоқда. Айни пайтда 5 та мактаб биноси капитал таъмирга, 6 та билим даргоҳи эса, қўшимча синф хоналарига муҳтож. Умуман ўқувчилар сонинг ҳар йилги ўсиши 700—800 нафарни ташкил этаётганлигини ҳисобга олсак, янги қурилишлар кўламини кенгайтириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб турганлигини сезиш қийин эмас. Бинобарин, республика ҳукуматининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан амалга ошира бориб, мактаблар қурилишини маҳаллий ресурслар ҳисобига кучайтиришга катта эътибор бермоғимиз лозим. Қурилиши бундан бир неча йил муқаддам бошланган, қарийб 3500 ўқувчи ўрнига эга бўлган мактабларни битказиш олдимиздаги энг муҳим масаладир.

(Боши 1-бетда)

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи юксак билим ва малакали, янгича фикрлайдиган ва замон талабларига мос иш юритадиган мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Шу сабабли бугунги мактаб олдида ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва улар билан ишлашни яхшилаш сингари долзарб вазифалар турибди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев «Вилоятда мослаштирилган биноларга жойлашган, газ, сув, канализация билан таъминланмаган, ҳатто умуман иситилмайдиган ва хароб ҳолдаги мактабларимиз кўплигини унутмаслигимиз керак. Инсоннинг камолоти боғча ва мактаблардан бошланар экан, ҳар бир раҳбар биринчи эътиборни шунга қаратиши зарур», — деган ҳақ талабни қўйди.

Туманимизда бу борада муайян тажрибалар мавжуд. Муаммоларнинг анчагина қисмини ота-оналар ва ҳомийлар кўмагида ҳал қилиш имконияти мавжуд. Мактабларга ҳомийлик қилаётган ташкилотлар қурилиш материаллари сотиб олиш, транспорт хизмати кўрсатиш учун маблағ ажратмоқдалар, тўғридан-тўғри ўзларидаги материалларни мактаб ихтиёрига бермоқдалар. Ота-оналар ўзларининг шахсий маблағларини мактаб қурилиши учун бажонидил инъом қилишмоқда, ишдан бўш пайтларида қурилишга ҳашарга келишмоқда. Ҳашар усулида қурилаётган мактаблардаги ишнинг бориши туман ҳокимияти ва туман халқ таълими бўлими томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда ҳамда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Албатта, биргина бинони тиклаш билан ҳамма масалани ҳал қилиб бўлмайди. Бундан ташқари синф хоналарини иситиш, ёритиш тармоқларини ўтказиш, ободонлаштириш сингари кўплаб юмушлар борки, улар ҳам анчагина маблағ ва куч талаб қилади.

Ҳашар йўли билан қурилаётган мактаб ва синф хоналарининг кўпчилиги, очиғи имконият даражасида амалга оширилаяпти. Бундай шароитда ҳамма талаблар ҳам ҳисобга олинади, деб бўлмайди. Шундай экан, қишлоқ мактабларини қуришда қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратмоқ лозим. Қишлоқ жойларида халқимизнинг миллий хусусиятлари ҳисобга олинган мактаблар лойиҳалари тайёрланиши лозим. Бунда, албатта маҳаллий қурилиш ашёларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Сўнгги пайтларда қурилаётган синф хоналарининг поли цемент қоришмаси ҳамда линолиум билан қопланмоқда. Бу кўпчилик ҳолларда болаларнинг саломатлигига таъсир этаётир, иккинчидан, фойдаланиш муддати ниҳоятда қисқа. Қишлоқ жойларда саноатбоп теракчиликнинг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, келгусида синф хоналари полини тахта билан қоплашга эришмоқ зарур.

Хуллас, туманимизда «Мактаб иши — умумхалқ иши» шиорига амал қилинаётир. Ҳаммамизнинг олдимиздаги вазифа — бу шиорни янада кенг қулоч ёздириш, шу мақсаддаги ҳар қандай таклиф ва ташаббусни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Бунинг учун бизда реал имкониятлар мавжуд. Чунки вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида жойларда, айниқса, қишлоқ туманларида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар жадал давом этмоқда.

**Мусо АНОРБОЕВ,**
**Бахмал тумани ҳокими**

Milliy dastur amalda

# ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошириш республика комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислом Каримов ўтган қисқа давр мобайнида таълим соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни қайд этиш билан бирга, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида алоҳида тўхталди. Мамлакатимиз раҳбари миллий Дастур доирасида муайян амалий ишларни бажариш, аниқ лойиҳа ва режаларни ишлаб чиқиш лозимлигини уқтирар экан, энг аввало ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлади.***

***Тошкент технология техникуми педагогик жамоаси республикамизнинг турли гўшаларидан келган ўғил-қизларга ўзлари танлаган касб — донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича билим беради. Юртимиз далаларида етиштирилаётган мўл-кўл донни сақлаш, қайта ишлаган ҳолда эл дастурхонига етказиб бериш ҳам масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифа. Техникум ҳар йили юзлаб ана шундай мутахассис кадрлар тайёрлаб бермоқда. Энди эса бу ерда бозор муносабатларига мос равишда тижорат фаолияти ва маркетинг билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.***

***— Миллий Дастурни амалга оширишда ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртларига алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас, — дейди техникум директори Рашид Эргашев. — Чунки, ўрта мактабни битириб чиқаётган ёшлар ўз ҳаёт йўлларини тўғри белгилаб олишида бу билим масканларининг аҳамияти катта. Ана шуни эътиборга олган ҳолда талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантиришга ҳаракат қиляпмиз. Ўқув режалари халқ таълими вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси билан ҳамкорликда қайтадан тузилди. Уларда замонавий техникани ўзлаштириш, компьютер саводхонлиги масалаларига катта ўрин берилган. Талабалар назарий билим олиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Улар «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимидаги илғор корхоналарда амалий машғулотларда фаол қатнашмоқда.***

***«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси техникумнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Талабаларнинг пухта билим олиши учун зарур шароитлар яратилаётир. Ўқув машғулотлари замонавий техника воситалари асосида олиб борилади. Инсон манфаатлари йилида бу ерда талабалар учун талай қулайликлар вужудга келтирилди. Янги қуриб ишга туширилган маиший хизмат уйида аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, пойафзал тузатиш устахонаси ва дорихона очилди. Улар талабаларга имтиёзли нархларда хизмат кўрсатмоқда. Қолаверса, билим юртида катта теннис кортининг қуриб фойдаланишга топширилгани, ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси бунёд этилаётгани ҳам талабалар саломатлигига жиддий эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Мўъжазгина иссиқхонада етиштирилаётган ноз-неъматлар эса ёшлар дастурхонига тортилмоқда.***

***Бир сўз билан айтганда, техникумда бўлган киши бу ерда ёшларнинг қайноқ ҳаёти устидан чиқади. Зеро, эртанги кунимизнинг эгалари бўлган замонавий мутахассислар масканида ўқиб-ўрганиш кундан-кунга қизиқарли бўлиб бормоқда, дея оламиз.***

**Неъмат Абдул ВАҲҲОБ**

# ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

**Президент Борис Ельцин Россия Американинг Ироққа қилажак ҳар қандай ҳарбий ҳужумини йўқламаслигини ва бу ҳақда шахсан жаноб Клинтонга айтганлигини билдирган. Жаноб Ельцин айни қарашларини Хитой ва Франция ҳам АҚШнинг Ироқ нисбатан ҳарбий ҳужум режасига қарши эканликларини маълум этганларидан сўнг изҳор этган. Маълумки бу икки давлат БМТ хавфсизлик концулининг аъзоларидир.**

* * *

**Франция Ташқи ишлар вазири Хуберт Гибрайн Франция АҚШнинг Ироққа нисбатан қўллайдиган ҳар бир ҳужум режаларига шерик бўлмаслигини билдирган.**

* * *

**Британия эса АҚШнинг агар Ироқ муаммоларини дипломатик йўллар билан ечилмаса ҳарбий куч ишлатиш режаларини қўллаб-қувватламоқда.**

* * *

**Британия Ташқи Ишлар вазири Робен Кух Ироқ муаммоларини Саудия Арабистони шаҳзодаси Сауд ал Файсал билан муҳокама этган. Саудия ҳукумати Ироқ БМТ резолюцияларини сўзсиз ва зудлик билан бажариши лозим деган фикрга қўшилишини билдирган.**

* * *

**Шри-Ланка чой ва каучик саноатида ишловчи ярим миллионга яқин ишчи маошлари оширилишини талаб қилиб иш ташлаганлар. Жаҳон бозорида чойнинг нархи ўсгани, аммо бу ҳол ишчилар маошига таъсир этмагани норозилик сабабларидан биридир.**

* * *

**Хитой мулозимларига кўра, Қозоғистон ҳудудидан Шинжон вилоятига ўтган бир неча киши ҳибисга олинган. Улар минтақада кечган Хитойга қарши исёнларнинг бир йиллигини нишонлаш ниятида бўлганлар. Аммо муҳожиротдаги бўлгинчи уйғур ҳаракати воизи бу хабарларни рад этиб, Хитой бу санадан авалроқ чегарада қаттиқ назорат ўрнатганлигини айтган.**

**«ВВС» (Лондон)**

# ЁШ МУАЛЛИМЛАР — МАКТАБЛАР КЕЛАЖАГИ

**(Боши 1-бетда)**

**лари республикада вилоятлараро абитуриентлар энг юқори рейтинг (41,3) кўрсаткичига эга бўлдилар.**

**Аввалги йилларга нисбатан шаҳарда математика таълими яхшиланиб бораётганини қайд этиш жоиз. Аммо тарих, биология, она тили фанлари бўйича ўқувчиларнинг билим самарадорлиги айрим вилоятларникидан ҳамон паст эканлиги пойтахт маорифчилари ва мутахассисларида андак хавотир туғдиради.**

**Аёнки, ўғил-қизлар билим даражаси бевосита таълим бераётган муаллим, мураббийларга боғлиқ. Шу боис Миллий Дастурда ўқитувчи шахсига алоҳида урғу берилди. Ҳозир шаҳар маорифчилари Қонун ва Дастурдан келиб чиқадиган вазифалар бўйича қатор тадбирлар белгиланганки, улардан бири ёш мутахассисларга эътибор масаласидир.**

**Таълимни юқори поғонага олиб чиқишда ёш ўқитувчиларнинг муҳим ўрин тутишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Аммо ёш муаллимлар айрим илм маскани жамоалари томонидан яхши кутиб олинаяпти, деб бўлмайди. Очиғи, у жамоага бутунлай кириишиб кетгунча, маҳорат бобида қандайдир руҳий далдага, таъбир жоиз бўлса, таянч, тиргакка муҳтожлик сезади, гоҳида ёш мутахассислар руҳиятида иккиланишлар ҳам бўлади: эплай олармиканман?.. Хуллас, таъсис анжумани мақсади ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб бориш, аниқроғи, илғор тажрибаларни оммалаштиришга, шунингдек, етилган муаммоларни биргаликда ечишга қаратилган, деса бўлади.**

**РТМ директори биринчи муовини Назирқул Турдиев анжуман иштирокчиларини «Ёш ўқитувчилар ва мураббийлар уюшмаси» Низоми лойиҳаси билан таништирди. Уюшманинг мақсад ва вазифаларига, тузилмасига, уюшма аъзолари ҳуқуқ ҳамда бурчларига батафсил тўхталди.**

**Анжуманда уюшманинг келажакдаги вазифалари юзасидан Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб муаллимаси Маъмура Шоумарова, Ҳамза туманидаги 215-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Зулайхо Султонова, Тошкент туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Насиба Абдураҳмонова, РТМ иқтисодий таълим бўлими бошлиғи Феруза Собирова ва бошқалар ўз фикр, таклиф мулоҳаза, истак ва тилакларини билдирдилар. Таклифларга кўра уюшманинг йиғинлари РТМнинг мажлислар залида ҳар ойда бир марта ўтказиладиган бўлди. Қисқаси, уюшма иши янада такомилига етказилади.**

**Биз ҳам эзгу тилакларга қўшилган ҳолда маънавий етук, янги педагогик авлодни тарбиялаш ишида фаол қатнашиш мақсадини зиммасига олишни мўлжаллаётган уюшманинг келгусидаги фаолиятига фақат омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин, деймиз.**

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**

# ИБРАТЛИ ТАНЛОВ БЎЛАДИ

Тошкент Давлат университети ёшларининг «Камолот» жамоатчилик маркази ижодкор талабаларни қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш ва ижод намуналарини кенг оммага танитиш мақсадида ижодкор талабалар ўртасида кўрик-танлов эълон қилди. Танлов шартларига мувофиқ унда университетнинг кундузги бўлимида таҳсил олаётган талабалар иштирок этадилар.

Кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан лойиқ деб топилган талабаларнинг ижод намуналари эса муаллифнинг шахсий сурати ва имзоси билан тўплам сифатида чоп этиш режалаштирилмоқда. Кўрик-танлов ғолибларини ташкилий қўмита томонидан моддий рағбатлантириш ҳам йўлга қўйилади. Бу хайрли тадбир келажакда анъанага айланиб қолса ажаб эмас.

**О. АДИЗОВ**

Maktablar hayotidan

# ИСЛОҲОТ МУВАФФАҚИЯТИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Мамлакатимиз раҳбариятининг Буюк келажак пойдевори бунёдкорлари — маориф ходимлари фаолиятига катта умид ва эътибор билан қараётгани бежиз эмас. Иқтидорли ёшларни қўллаб қувватлаш учун Президентимизнинг шахсан ўзлари кафолат бераётгани, уларни тараққий этган мамлакатларда ўқитиб, малакасини оширишдай хайрли ишга бош-қош бўлаётган махсус жамғармаларнинг ташкил этилишининг ўзида олам-олам маъно бор. Биз келажагига умид боғлаётган иқтидорли ёшларимизнинг ҳаммаси ўзимизнинг кечаги билмасвой ва биларжонларимиздир. Яна уларнинг миллион — миллионлари мактаб бусағасида, ота-оналаридай бўлиб қолган ўқитувчилари куршовида юришибди. Хўш, келажак тақдири қўлида бўлган маърифат оламида нима гаплар?!

Бизнинг мактабимиз 1992-93 ўқув йилида пойтахтдаги ўзбек мактаблари орасида биринчилардан бўлиб «махсус мактаб йўналишда таълим бериладиган» мақомини олган. Жамоада хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг аксарияти бир неча йиллик иш тажрибасига эга, соҳанинг мақсад ва вазифаларини яхши биладиган, изланувчан ёшлардан иборат. Шу боис ҳам мактабимиз шарафини оқлашимизда уларнинг топқирлиги, давр билан ҳамқадамлиги катта ёрдам берди. Ўқувчилар орасидан иқтидорлилари танланди, дастлаб икки йўналишда — иқтисодий ва ижтимоий таълим бериладиган махсус синфлар ташкил этилди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятига қараб соҳалар чуқур таҳлил қилинган махсус дастурлар тузилди.

Айтиш мумкинки, ўтган йиллар маориф соҳасини тубдан ислоҳ қилиш йўлидаги изланишларимиз йили бўлди. Энг асосийси ўқитувчиларимизда янгича фикрлаш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, ўқув қўлланмаларидан ижодий фойдаланиш кўникмаси ҳосил бўлди.

1997-98 ўқув йилининг биринчи ярмида мактабимизда Чилонзор тумани бошланғич синф ва она тили ўқитувчиларининг анжумани ўтказилди. Мазкур тадбир миллий ва маънавий қадриятлар орқали бошланғич синфларда таълим ва тарбияни янада такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқишда ўзига хос тажриба алмашиш анжумани бўлди. Очиқ дарс, синфдан ташқари машғулот тарзида ўтказилган туман она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг анжумани ҳам сабоқ орқали мустақил фикрловчи, мушоҳадали, саводли инсонни камол топтириш йўлидаги изланишлар самараси бўлди. Ўқитувчиларимиздан М. Мирсоатова, У.Қаҳҳорова, Ё.Файзиева, Ф.Тўлахўжаева, С. Қўшмонова, Г.Расулова, М.Холмуҳамедоваларнинг дарс ўтишда ноанъанавий усуллардан фойдаланишлари анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида камол топаётган ёш авлодни ҳуқуқ илмидан баҳраманд қилиб бориш ҳам фаолиятимизнинг бош мезони ҳисобланади. Мактабимиз жойлашган «Мевазор» маҳалласи оқсоқоллари, ҳуқуқ идораларининг масъул ходимлари, жамоатчилик иштирокида мунтазам ўтказиладиган «Ўсмир ва қонун» мавзусидаги учрашувлар ва суҳбатларнинг аҳамияти катта бўляпти. Турмушимизда учраётган айрим — қонунбузарлик, маданиятсизлик, бидъатларга маҳдудлик каби ноҳуш ҳолатлар ўқитувчиларимиз ва ўқувчиларимиз томонидан саҳналаштирилиб, иштирокчилар ҳукмига ҳавола этилади, муҳокама қилинади. Бунинг ижобий натижалари ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабатларда, мактабда, оилада, жамоатчилик орасида яққол сезилмоқда.

Маориф соҳасидаги туб ислоҳотларни босқичма-босқич, назарда тутилган мақсаддан оғишмай амалга ошириш кўп масъулият талаб этади. Шу боис ўқувчиларимизнинг соҳага оид билимларини босқичма-босқич мустаҳкамлаб боришга катта эътибор қаратяпмиз. Бунинг учун биринчидан ҳар бир фан бўйича метод бирлашмалари 1998-2000 йилгача мўлжалланган ишлар режасини, иккинчидан рейтинг-кўпбаллик усулини жорий этиш, учинчидан синф хоналарини янги алифбо асосида қайта жиҳозлаш, тўртинчидан синф раҳбарларининг миллий анъаналар, урф-одатлар, қадриятларга асосланган тарбиявий иш режаларини қайта ишлаб чиқиш, бешинчидан мактаб кутубхонасининг ўқувчилар ҳаётидаги аҳамиятини кўтариш, уни ўқувчи мустақил шуғулланишига имкон берадиган дарсхона, ижодхона даражасига кўтариш, пировардида — махсус синф ўқувчиларини бўлғуси академик лицейларда ўқишига эришишни ўзимизнинг асосий дастуримиз қилиб белгилаганмиз.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур»га кўра педагог кадрларни қайта ўқитиш ва тайёрлаш асосий вазифа қилиб белгиланган. Тажриба шуни кўрсатяптики, ўқитувчиликка лаёқати бор ўқувчиларни илғаш, уларни касбга йўналтира бориш ва шу орқали мактабда кадрлар заҳирасини яратишнинг аҳамияти катта экан. Жамоамиздаги 84 нафар ўқитувчининг 20 фоизи ўзимизнинг собиқ ўқувчиларимиз. Уларнинг аксарияти кўз ўнгимизда камол топди.

Юртбошимизнинг Республика Олий Мажлисининг XIX сесссиясида қилган маърузаларида, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастур»ида таъкидланганидек ёш авлодни оқу қорани фарқлайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан бохабар, баркамол шахс қилиб тарбиялаш йўлидаги ҳаракатларимиз дарёдан томчидир. Унинг уммонга айланишида азиз замондошлар, ҳамкасблар, сизу биздан касбимизга фидойилик, ҳалоллик ва қатъият талаб қилинади. Зиммамиздаги ана шундай масъулиятини мардона адо этишда ҳаммамиз баҳамжиҳат бўлмоғимиз керак.

**Мастура УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Тошкентдаги Шотурсун Ғуломов номидаги 114-мактаб директори**

# ТОЗАЛИК ТАДБИРИ

**Тошкент Давлат техника университетида яхшигина бир анъана бор. Кунлар исиб кетдими, бўлди. Талабалар навбатма-навбат олийгоҳ ён атрофларини тозалашга, кўкаламзорлаштиришга киришишади. Куни кеча университетнинг иқтисод-муҳандислик ва Малайзия билан ҳамкорликда ташкил этилган бизнесни бошқариш факультети талабалари енг шимариб олийгоҳ ҳовлиси, йўл бўйлари, боғ ва хиёбонларни тозалаб супуришди.**

**— Бугунги тадбирга жами 170 дан ортиқ талаба жалб этилган, — дейди биз билан суҳбатда иқтисод-муҳандислик факультети декан муовини Бўрибой Бекмирзаев.**

**Бизнингча, бундай хайрли тадбирлар ҳар бир гўшада йўлга қўйилса ҳам теварак-атрофимиз тозаланар, ҳам кўнглимиз покланар эди.**

**Отабек ИСТАМ ўғли,**
**Тошкент Давлат университети журналистика факультети толиби**

# ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ВА САМАРАДОРЛИК

Мустақил Ўзбекистон учун халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, жаҳон эътиборига молик бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш шарт бўлиб турган бугунги кунда ёшларга иқтисодий тарбия бериш зарурдир. Бунинг учун аввало, иқтисодий тарбия иқтисодий тафаккурни шакллантиришдан то иқтисодий онгнинг муайян даражасигача бўлган жараён эканини англаш лозим. Иқтисодий тарбия, аввало мактабнинг муҳим ижтимоий вазифаси — ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг самарали бажарилишига ёрдам беришга даъват этилган. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчиларида ишонч, сифатли ишлай олиш, давлатимиз эга бўлган ҳамма нарсани эҳтиёт қилиш ва кўпайтириш, жамият бойлигига ва она табиатга, дарсликларга, озиқ-овқат маҳсулотларига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни эъзозлай олиш каби фазилатларни тарбиялаш муҳимдир.

Шахснинг иқтисодий саводхонлик даражаси, унинг мустақил фаолиятда фойдалана оладиган иқтисодий билими, кўникма малакалари ва иқтисодий тарбияланганлиги намоён бўлади. Шундай экан, бозор иқтисодиётида фаолият кўрсата оладиган шахснинг иқтисодий саводхонлиги асослари мактабда вужудга келади.

Бу борада энг оддий тушунчалар эса табиийки, оилада ва болалар боғчасидаёқ берила бошлайди. Бозор, пул, буюмлар, олди-сотди, харидор каби иқтисодга алоқадор тушунчалар катталар билан муносабатда, ўйин фаолиятида бола онгига, ёшига мосланган ҳолда сингиб боради. Шахс шаклланишида иқтисодий саводхонлик даражасини таркиб топтириш мактабларда босқичма-босқич, узлуксиз жараён сифатида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синфларда табиий бойликлар, уларни тежаб сарфлаш, муҳофаза қилиш каби масалаларни англатишда ўзбек халқ эртаклари, мақол ва ҳикматлари турли ҳикоя, ҳикоятлар, савдогарлик фаолиятлари каби тушунчалар ёрдамида содда, аниқ маълумотлар бериш орқали ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини таъминлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодий тарбиянинг асосий мақсади мактаб битирувчисига барча соҳа, касб, мутахассисликларга зарур бўлган аниқ иқтисод тушунчаларини мустақил фаолиятда самара берувчи йўл-йўриқларни англатиш ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлашдан иборатдир. Иқтисодий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг иқтисодий боғланиш сабаблари мактабда қандай ёритилиши ва ўқувчилар дунёқарашлари доираси билан боғлиқ.

Дунёқарашдаги сирларни янада чуқурроқ англаш учун эса ўқиш даркор. Киши қанча ўқимишли, уқувли бўлса унинг билмаганини англашга интилиши ҳам шунчалик кучли бўлади. Фаолиятда тўхтаб қолмаслик, изланишда, ижодда жадаллашиш илмий билимлиликка боғлиқ. Барча нарсани илмий англаш мумкин эмас, лекин ҳамма нарсани англашга интилиш доим бўлган ва бўлади.

**К. ЎСАРОВ**

Fanimiz fidoyilari

# МИКРОБИОЛОГ ОЛИМ



Озиқ-овқат маҳсулотларида оқсилнинг камайиши жаҳон олимлари изланаётган муаммоларнинг бири бўлмоқда. Айни пайтда ривожланган давлатларнинг бир қаторида ушбу муаммонинг ижобий ечимини топиш мақсадида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Микробиология илмий тадқиқот институти ходимлари ҳам ана шу муҳим маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатор самарали усулларни тавсия этишмоқда.

Мазкур институт олимлари ташаббуси билан микробиология илмида кенг қўлланиладиган ҳужайра инженерияси усуллари орқали ферментлар, озиқ-овқат ва мол озуқасидаги оқсилларни синтезлашга хизмат қилувчи микроскопик организмларнинг янги турлари яратилмоқда.

Институт ўсимликшунослик микробиоконверсияси лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори Жамолиддин Тошпўлатов бошчилигидаги илмий тадқиқотчи олимлар гуруҳининг ушбу илм соҳасидаги эришган ютуқларида микробиология фанлари номзоди Бозорбой Бойбоевнинг ҳам ҳиссаси кўпдир.

Бозорбой Бойбоевнинг ёшлик пайтидаёқ аниқ фанлар мажмуасидан биология соҳасига қизиқувчанлиги юқори бўлди. Тошкент Давлат университетининг биология факультетини 1965 йилда тамомлаган ёш мутахассис Бозорбой Бойбоевни илм-фанга бўлган чин ихлоси, иштиёқмандлиги илмий тадқиқот институтига етаклади. Мана, 30 йилдан зиёд вақт оралиғида Бозорбой ака ЎзРФА Микробиология илмий тадқиқот институтида катта илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Шу йиллар мобайнида у бир қанча шогирдлар тайёрлаб, уларнинг мамлакатимиз илм-фан соҳасида муваффақиятли изланишлар, тадқиқотлар юргизишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, Бозорбой Бойбоев каби бутун ҳаётини илмга бағишлаган микробиолог олимларимизнинг эришган илмий ютуқларини нафақат биология соҳасида, балки республикамиз равнақига ҳам муносиб қўшилган туҳфа деб тушуниш керак. Зеро, бу янгиликлар барчамизнинг фахримиздир.

**Нур АЛИ**

**СУРАТДА: Б. Бойбоев навбатдаги тажриба натижаларини кўздан кечираяпти.**

# ШОИРЛАР САЛТАНАТИНИНГ СУЛТОНИ

## БУЮК ТАФАККУР ЖИЛОСИ

XI асрдан эътиборан туркий адабиётда бадиий даражаси юқори бўлган янгича услубдаги асарлар юзага кела бошлади. Бу ҳолни Алишер Навоийнинг асарларида кузатишимиз мумкин. Шоирнинг, айниқса, «Хазойинул-маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр» асарларида қўлланилган ҳар бир сўз ва ибора ўзига хос ранг-баранг кўринишларда — зоҳирий ва ботиний маъноларда ўз ўрнида ишлатилган. Сўз сеҳри, сўз қўллаш санъати билан боғлиқ, хусусан ботиний маъно касб этган кўринишлари унинг бебаҳо ижодига яқиндан ёндашиш, ҳар бир сўз устида махсус тўхталиб, кенг изоҳ, яъни шарҳ этишни тақозо этади. Ана шундагина шоирнинг ички дунёси, эҳтирослари, нафис бадиийлик сиру синоатларидан ўқувчини воқиф бўлишга ундайди.

Олим ва адиб Мақсуд Шайхзоданинг **«Алишер Навоий» асарлари олижаноб ғоялар хазинаси бўлганидек, шеърий санъатларнинг ҳам битмас-туганмас конидир»** деб айтган таърифи, ҳақиқатан ҳам шоир бадииятида унинг ғоявий мақсади ва эстетик идеалидан келиб чиқиб истиора, интоқ, ташбеҳ, ийҳом, тазод ва бошқа бир қанча маънавий санъат турларининг ажойиб кўринишларини инкишоф этади. Бу эса ўқувчида бадиий ифода таҳлилини теран тушунишда асар байтларига қайта-қайта мурожаат қилиш, «ғаввос»лар сингари дарёнинг тубидан «дурри пок»ни топиш заҳматига кўникма ҳосил қилади. Натижада ботиний — яширин маъноларни англаб етишга муяссар бўлади. Навоий ўзининг бадиий асарларида араб, форс, туркий (ўзбек) тили лексикасидан моҳирона фойдаланиб, бадиий санъат воситаларидан ташқари: қофия, вазн ва бошқа шеърий қоидалар асосида сўзларни янги-янги маъноларда бошқа ҳеч ким қўллай олмаган ўз яширин шарҳларини ифодалай олган. Масалан, шоир ўзининг «Хамса» асари достонларида ДАВЛАТ сўзининг **молу дунё, бойлик, салтанат** каби зоҳирий — асосий луғавий маъноларини қўллаган бўлса, «Лисонут-тайр» достонида эса бу сўзга **бахт, иқбол, баҳраманддлик,** мақсад ва яна бир қатор ботиний — мажозий маъно юклаган. Навоий яна бир ўринда СЕМУРҒ сўзининг **афсонавий катта баҳайбат қуш** маъносидан ташқари мажозан **шоҳ**, яъни **Оллоҳнинг Рамзий образи,** шунингдек, **бахт-саодат** маъноларида қўллай олган. Шоирнинг фикрича, **семурғ (худо) «Барча олам қушларига шоҳ», ҳамма нарсадан «огоҳ» ва у (семурғ) дунёда машҳур, унинг тенги йўқ,** ягонадир.

Алишер Навоий яна маънавий санъат турларидан ийҳом, яъни бир байтнинг ўзида ҳар икки маънога ишора этиш, ботиний ва зоҳирий кўринишларда умумий фикрни асослайдиган мисралар инкишоф этган:

**Ул иковдин бири Рум**
**аҳлига шоҳ**
**Ёна бири занг аҳлига**
**кишворпаноҳ.**
**(«Лисонут-тайр»,**
**184-бет)**

Шоирнинг **«Шотранжи кабир»** ҳикоятидан келтирилган мисраларда **Рум аҳли — шахматдаги оқ доналар ҳамда оқ танлилар, яъни румликлар; Занг аҳли эса шахматдаги қора доналар ҳамда қора танлилар, яъни Африқо қитъаси аҳолиси** каби ўринли шиорлардир. Шоир бу ўринда фикрни янада равшан ифодалашда қиёслаш, зидлаш усулидан ҳам фойдаланиб, тазод санъати ҳам ҳосил қилган.

Шоир асарларида сўз ва ибораларни кўпмаънолигига асосланган ҳолда барча маънолари матнда баробар мос келиши ҳам кўп учрайди. Масалан, **девонавош — девонага ўхшаш, телба ҳамда ошиқ; хаста — бемор, ҳолсиз ҳамда ошиқ; асар — таъсир, қолдиқ, мажмуа; калом — сўз;** «Мантиқут-тайр» асарига ишора; **ахтар — юлдуз, бахт; хокдон — қабр; дунё** ва бошқалар.

Сўз сеҳргари Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш санъати «Лисонут-тайр» достонига кирган «Кўрлар ҳикояти» ҳамда бошқа илмий, тарихий асарларида қўлланилган. Масалан, **басир, мажозан ожиз, кўр битов — кўзи очиқ, ўткир кўзли, бийнозийрак, сезгир, узоқни кўрувчи, қалбан ҳис этувчи** каби қарама-қарши маъноларда санъаткорлик асосида турк тили лексик имкониятларидан, синонимларидан ўринли фойдаланган.

Шоир арабча **басир** сўзини бир ўринда асл луғавий маъносидан келиб чиқиб, кўзи очиқ, кўрувчи ўткир кўзли тарзда ишлатган бўлса, яна бир ўринда бу сўзнинг бутунлай акс маъно ифодаловчи кўр, ожиз, битов, жисмонан туғма кўр сифатида қўллаган.

**— «Бас муносибдур, эшит,**
**бу можаро,**
**Нақл мундоқдурки:**
**Ҳиндистон аро**
**Тушдилар бир навъ ила**
**жамъи басир**
**Ё мусофирлиғ била ёхуд**
**асир.**

**Мазмуни: нақл қилишларича, бир гуруҳ кўрлар мусофирлик ёки асирлик туфайли Ҳиндистонга бориб қолиши ҳикоя қилинади.**

Шоир **басир** сўзининг кўр, ожиз маъносига яна ишончли далил сифатида унинг «Насойимул — муҳаббат» асарида келтирилган Аҳмад Югнакий ҳақидаги фикрларига тўхталамиз: **«Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар манқулдур (нақл этилган). Дерларки, кўзлари битов эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир бўлуб ўзга басирлардек андоқ эрмас эрмишки, кўз бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттоқий киши эрмиш. Ҳақ субҳоноҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқонудур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур...**

**... Нақледурки, ҳазрати имомдан сурўбтурларки, «шогирдларингиз орасинда қайсидин андоқки кўнглунгуз тилар, розисиз?» — Имом дебтурки: «Бори яхшидур. Аммо ул кўр турки, сафи ниол (пойгаҳ)да ўлтирур ва бир масалани мазбут (мустакам) қилиб, тўрт йиғоч йўл яёғ келиб борур, андоқки керак, ул таҳсил қилур» («Насойимул-муҳаббат», XV том, 156—157-бетлар).**

Шоир ўзининг барча бадиий асарларида ҳар бир сўзни шаклан ҳам, мазмунан ўз такомилига етказиб қўллашга ҳаракат қилади, бошқаларни ҳам худди шу тариқа муносабатда бўлишга, сўзни қадрлашга ундайди. У сўзга юқори баҳо берар экан, **басир** сўзини яна янги маънода қўллаб, ўқувчига катта маъсулият юклайди. Матнни қайта-қайта таҳлил қилиб, таг мазмунни англашга ундайди. Эътибор берайлик, «Мажолисун-нафоис»нинг саккизинчи мажлисида: **«Басират аҳли қошида зоҳирдурким, тафовут нечоғликдур не учунким, Мавлоно юзни жаннатқа нисбат қилибдур ва бу муносиб ташбиҳдур».** Келтирилган ушбу жумлада шоир **«Басират аҳли»** сўз бирикмасига яна муносабат билдириб, унга шеър битувчилар, бадииятдан хабардорлар, бадиий санъат қоидаларини мукаммал билувчилар, дилдан ҳис этувчилар каби маъноларни юклаган. Яна ушбу ўринда **«тафовут нечоғликдур»** каби умумий мазмунда **«юз»** ва **«жаннат»** ўртасидаги катта фарқ, ноўхшашликлар бўлишига ҳам эътибор бериб ўринли ташбеҳ қилинган, деб таъкидласа-да, аммо шоир фикрича, **«Басират аҳли — шеъриятдан бехабарлар, бадиий санъатларни англамовчилар, не учунким» тушунмайдилар** каби таг мазмун борлигига ҳам ишора қилган.

Хуллас, Алишер Навоий адабиёт, хусусан шеъриятнинг асосий талаби — фикрни пардалаш, асл мақсадни кўпмаъноли сўзлар асосида ботиний ишоралар билан бериш қоидасига риоя қилган ҳолда ўз ички кечинмаларини санъаткорона бадиий тасвир этган. Албатта, шоирнинг бадиий маҳорати ҳар бир сўздаги яширин маъноли тасвир оддий китобхон, ҳатто филолог мутахассисларга ҳам тезда тўғридан-тўғри тушунарли бўлавермайди. Бунинг учун, албатта, бадиий асар таҳлили ҳамда изоҳи, шарҳи билан боғлиқ махсус тадқиқотлар зарур. Тўғри, Алишер Навоий асарларига бағишланган бир қатор луғатлар тузилиб, чоп этилган. Аммо мазкур луғатларда шоир маҳорати билан боғлиқ ботиний (яширин) маъноларга деярли изоҳ берилмаган.

Умуман шоир бадииятини қалбдан ҳис этиш, ҳар бир сўзнинг зоҳирий ва ботиний маъноларини англаб етиш бугунги миллий маънавиятимизнинг асосий талабидир. Шунинг учун шоир асарларига кенг шарҳ бериш, ижтимоий ҳаёт муаммоларига астойдил киришган ҳолда махсус изоҳли луғатлар тузиш ҳам навбатдаги вазифалардан биридир.

**Зиёдулла ҲАМИДОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент**

9 fevral — Alisher Navoiy tug'ilgan kun

## НАФИС НАВОЛАР

Навоий туманидаги Алишер Навоий номли маданият саройида ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллигига бағишлаб «Таом кўпидин, маърифат ози яхши» деб номланган илмий-бадиий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасидан, «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлимидан, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят марказидан, Абдулла Қодирий номидаги вилоят кутубхонасидан ва оммавий ахборот воситаларидан вакиллар қатнашдилар. Анжуманни вилоят ҳокими ўринбосари Азамат Ҳайдаров олиб борди. «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Камолиддин Юсупов сўзга чиқиб, Навоийга атаб ёзган шеърларидан намуналар ўқиб берди. Кутубхона ходимлари томонидан «Ҳамса» достонидан тўртликлар ва «Гули» монологидан парчалар ўқилди. Ушбу анжуманда вилоятдаги қўшиқсевар, истеъдодли ёшлар иштирокида «Навоий наволари» номли кўрик-танлов ҳам ўтказилди. Бунда иштирок этганлар Навоий ғазаллари асосида қўшиқлар ижро этиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

**Садбархон ЖЎРАЕВА**

## НАВОИЙ ВА НЬЮТОН:
### ТАСОДИФМИ ЁКИ БАШОРАТ

***«...Мен шундай ҳарамга маҳрам бўлдимки, у ҳарам эмас ёруғлик ва поклик олами эди. Мен бу ерга киргач, Қуёш нури таъсирида кўздан ғойиб бўлган нур зарралари каби, ўзимни тутиб тура олмас эдим. Мен у кишининг салобатидан истиҳола қилиб, ўзимни ҳам, ўзлигимни ҳам йўқотиб қўйдим...».***

**Биз бу сатрларни Навоий «Хамса»сининг бешинчи достони бўлган «Садди Искандарий» (Насрий баён. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1978 йил, 274-саҳифа)дан олдик. «Хамса» ёзишни дилига тугиб қўйган Навоий устози ва пири бўлган Абдураҳмон Жомийдан дуо олиш учун унинг ҳузурига кирганда, ўзи тушиб қолган ҳолатни ана шундай ифодалайди. Жомийни Қуёшга, ўзини эса нур заррасига ўхшатади! Қуйида ана шу нисбий ўхшатиш: — «Қуёш нури таъсирида кўздан ғойиб бўлган нур зарралари...» ҳақида фикр юритмоқдамиз. Физиклар бу ҳодисани қачон ва қай тарзда ҳал қила олдилар?!**

**Инглиз физиги ва математиги Исаак Ньютон «Ёруғлик ва рангларнинг янги назарияси» номли оптикага бағишланган биринчи асарида ёруғликнинг корпускуляр — зарра назариясини илгари суради. Инглиз олими Роберт Гук ва бошқалар бу назарияга қарши чиқади. Нидерланд физиги, механиги ва математиги Христиан Гюйгенц 1678 йилда ёруғликнинг тўлқин назариясини биринчи бўлиб яратади ва бу назария унинг 1690 йилда босилиб чиққан «Ёруғлик ҳақида тракт» асарида баён этилади. Шундан сўнг Ньютон 1675 йилдан бошлаб ўзи кузатиб келаётган кўплаб ёруғлик ҳодисаларини корпускуляр ва тўлқиний назарияни муросага келтирган ҳолда баён этади.**

**Қуёшнинг туташ спектрини дифракцион панжарали спектроскоп ёрдамида ўрганиб, немис физиги Йозеф Фраунгофер спекторни кўп жойидан кесиб ўтган кўплаб қора чизиқларни пайқади. Бу чизиқлар ҳозирги вақтда франгофер чизиқлари дейилади. Навоий юқоридаги ўхшатишда худди шу ҳодисани башорат қилмаганмикан?!**

**Мазкур ҳодисани немис физиги Киркгоф Густав Роберт ютилиш спектрининг пайдо бўлиши ҳодисаси билан тушунтириб беради. Маълумки, Қуёшни пастроқ ҳароратли ва унча зич бўлмаган газ қобиғи ўраб олган соҳаси Хромосфера деб юритилади. Қуёш нурлари Хромосфера ва Ер атмосфераси орқали ўтади. Бунда Хромосфера ва Ер атмосферасида бўлган ҳар бир химиявий элемент ўзи чиқариши мумкин бўлган спектр нурларини (ва демак, нур зарраларини) ютиб қолади. Бунинг натижасида кўп ютилиш чизиқларидан иборат ютилиш спектрлари ҳосил бўлади. Назариялар кўплаб ҳисоблашларни талаб қилар эди. Бу ишларни Макс Планк ва Альберт Эйнштейн бажарди. Немис физиги Макс Планк 1900 йилда Квант назариясини яратди. Бу назарияга кўра ёруғлик бўлма-бўлма ҳолида тарқалади ва шу ҳолда ютилади. Ҳар бир бўлма (Квант E=h&) энергияга эга. Орадан беш йил ўтиб, яъни 1905 йилда Альберт Эйнштейн физиканинг асосий фундаментал қонунларидан бири бўлган масса ва энергия орасидаги боғланиш ифодасини яратди. Нарсалар табиатда мавжудлиги туфайли энергияга эга ($E=mc^2$). Мазкур формулалар ёрдамида фотоннинг массаси, импульси ва энергиясини ҳисоблаш мумкин бўлди. Кейинроқ эса фотоэффект учун Эйнштейн тенгламасининг юзага келиши, уни ёруғликнинг электромагнит назарияси орқали тушунтирилиши муаллифнинг (1921 йил) Нобель мукофоти билан тақдирланиши ва ниҳоят Эйнштейннинг ёруғликнинг кичик зарраси фотонни назарий жиҳатдан топганлиги, 1922 йил америкалик Комптон Артур Холли фотоннинг табиатда мавжудлигини тажрибада тасдиқлай олганлиги илм-фаннинг тантанаси эди. Бу Алишер Навоийнинг ўз замонаси кишилари орасида: «ЭНГ ЎТКИР ФИКРЛИ ВА НОЗИК ТУШУНЧАЛИ ОДАМ!» бўлганлигининг исботи эди.**

**Демак, «Садди Искандарий» ёзилганидан (1485 йил) 190 йил кейин ёруғликнинг корпускуляр — зарра назарияси яратилган. 317 йил ўттач, Қуёш нурлари таъсирида спектр нурлари (зарралар) ғойиб бўлиши тажрибада кузатилган. 437 йил кейин ёруғликнинг энг кичик зарраси — фотон табиатда мавжудлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўла-тўкис ҳал қилинган. Навоийнинг «Қуёш нури таъсирида кўздан ғойиб бўлган нур зарралари» иборасида икки ғоя яширинган эди:**

**1. Нур (ёруғлик) зарралардан тузилган;**
**2. Қуёш нури таъсирида ёруғлик зарралари ғойиб бўлади.**

**Биз эса ушбу масаланинг ечимлари устида тўхталиб ўтдик, холос. Қуёш чиққач, шафақ нурлари кўздан ғойиб бўлиши табиат ҳодисаси бўлиб, бу Навоийнинг назаридан четда қолмаган.**

**Меҳри ҲИКМАТУЛЛАЕВА,**
**Янгийўл туманидаги 53-ўрта мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчиси**

***20-30-йиллар ўзбек маърифатпарварлари Алишер Навоий ижодини халққа танитиш мақсадида бирмунча ишлар қилдилар. Газета ва журналларда таржимаи ҳоли, асарлари, ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси ҳақида қатор мақолалар эълон қилдилар. Жумладан Саид Маъруф ҳам 1926 йили «Тонг юлдузи» тўпламида 4 қисмдан иборат бир мақола ёзди. Қуйида ушбу мақоланинг, яъни Навоийнинг тинчлиги хусусидаги қисми ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинмоқда.***

## «АЙЛАДИМ МАМЛАКАТНИ ЯКҚАЛАМ»

...Илгари куриб ўтдик ҳар бир илмий кишиларимиз форсча китоб ёзиб ва бир хил сўзларини форсча сўзлар эдилар. Ҳатто турк тилидан нафрат қилиш даражасига келган эдилар. Бу тўғрида Навоийнинг сўйлаган сўзини эшитайлик: «Аммо туркнинг улуғидан кичигига дейинча ва навкаридан бегига дейинча ҳаммаси сорт тилидан баҳраманддирлар». Турк тили ўзига буюк мудофаачи етиштирди: биринчиси Маҳмуд Қошғарий, иккинчиси Амир Алишер Навоийдир. Навоий ўзининг «Муҳокаматул луғатайн»ида бетарафона илмий нуқтаи назаридан форс, турк ва ҳинд тилларини бир-бирига солиштириб турк тилини бой эканлигини исбот этди. Араб тилини самовий бир тил деб ўртадан чиқазди: ҳинд тили суврати эътиборан чиркин ва фасоҳатсиздир. Форс тили ила турк тилига келсак форс туркдан илмли турк форсийдан англайдурғондур. Форс тили адиб, файласуфларни тили ўлмоқла баробар турк тили халқ тилидир. Шу ҳолда муқояса қилиб куриб тургани халқ тили форсни адабий тилидан ортиқ эканлигини исбот этди. Турк тили феълларини бойлигини ва бир хил сўзлар бир неча хил маъно беришларини ва форс тилида бу нарса йўқ эканлигини кўрсатди. Туркча салоҳ ва наботот исимлари кўплигини кўрсатиб турк тилини бир бой тил эканлигини исботлади. Навоийнинг фикрича, аввал ислом ҳокимияти араб эди, бунинг учун араб тили фалсафаси илми бундан кейин форсларга ўтди, тараққий қилдилар. Энди навбат туркларга келди. Ҳар бир араб, форс энди туркча сўйламоқ, ёзмоғи керак. Навоийнинг тилчилигидаги энг асосий нуқталар:

1. Турк тилининг рақиблари форс, ҳинд тилларидир;
2. Турк тили маъно ва шаклча форс тилдан бойдир;
3. Турк тили давлат тилидир.

Биз кўрамизки, Навоийдан кейин турк муқоясалари ва турк тили тадқиқотлари қилина бошлайди.

**Нашрга тайёрловчи:**
**Эргаш УМАРОВ**

## МУАММОНОМА

***Азиз муштарий! Аввал улуғ ўзбек мумтоз шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг таълим- тарбиявий аҳамиятга молик ажойиб асарларидан бири «Арбаин ҳадис»даги мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.***

**1. Мўъмин эмастур улки имондин,**
**Рўзғорида юз 15,4,17,9. кўргай,**
**Токи қардошиға раво кўрмас —**
**Ҳар наким ўзига раво кўргай.**

**2. Мўъмин эрсанг, қилиб дурингни**
**нисор**
**Эл била равшан ул нечунким**
**1,4,18,20.**
**Негаким тенгри ҳеч мўъминда**
**Бухлу бадхўйликни қилмади жамъ.**

**3. Моли базл айла суд агар тиласанг,**
**9,22,3,13,4,19. чун ўлум эрур мавжуд.**
**Асрағон чалур улки базл эттдинг**
**Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд.**

**4. Ҳирсдин кечгил ул ғамидурурким,**
**Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.**
**Тут қаноатки, ул эрур моле**
**Ки, 6,3,26,9,16,19. эмас анга пайдо.**

**5. Субҳ уйқусидин улки айлар тарк,**
**Ризқу рўзин ўзига тўш**
**10, 23, 2, 21, 4, 14.**
**Улки ғафлатдин этти навми сабуҳ**
**Бу шарафни магарки туш кўргай.**

**6. Ҳақ сени севгай 25,8. била**
**бўлсанг,**
**Тилу кўнглингни бир қилиб биррўй,**
**Нўкта сурсанг шукуфтау хандон,**
**Зист қилсанг кушодау хушрўй.**

**7. Дўстлашинглар ҳадиялар**
**беришиб,**
**Баҳра топқон 12,3,2,4,7. атиясидин.**
**Ҳуд жаҳонда атияс борму**
**Яхшироқ дўстлуқ ҳадиясидин.**

**8. Бир-бирин дўстлар агар гоҳ-гоҳ**
**Кўрсалар дўстлуқ ўлур ғолиб**
**Шавқдин ихтилот ўлур**
**18, 4, 19, 8, 5, 13,**
**Васл учун орзу ўлур толиб.**

**9. Деди: Кўп сўзлаган хато кўз этар,**
**Улки дерлар ани валиюллоҳ.**
**Ҳар балоким 11,19,4,2. эрур**
**сўздин,**
**Бўйла ҳукм айлади наби-юллоҳ.**

**10. Эмас у паҳлавонки ўз қадрин**
**Бош узра элтибон забун қилғай.**
**24,4,26,8,4,27,9,6. они билки етса**
**ғазаб,**
**Нафси амморани забун қилғай.**

***Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани топинг. Ундан буюк ижодкорнинг яна бир ҳадиси шарифга ёзган мисралари аён бўлади.***

***Мазкур ҳадиснинг асл матни ва унинг таржимасини биласизми?***

**Тузувчи**
**Фозилжон ОРИПОВ**




## УЛУҒ АЛЛОМА

*Тошкент Давлат Аграр университети қошидаги ўзбек-турк лицей-интернатида буюк сўз санъаткори, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллигига бағишланган «Улуғ аллома», деб номланган адабий кеча ўтказилди. Унда қатнашган туркиялик талабалар бобомиз ғазалларини ёддан ўқишганда барча миннатдор бўлди. Кеча қатнашчиларига шоирнинг ижоди ва ҳаёти акс эттирилган китоб кўргазмаси тақдим этилди. Айниқса, интернат талабалари томонидан Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар янграганда барча баравар завқланди.*

**Зулфия АБДУРАҲМОНОВА,**
**ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси**

## МИР АЛИШЕР ЭЪТИРОФИ

«Хамса» ёзиш тарихи қадимийдир. Унга Низомий Ганжавий асос солди ва у хамсачилик мактабини яратди. Ҳайдар Хоразмий унга издошлик вазифасини ўтади. Саййид Қосимий хамсачилик ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди: тўрт қисмдан иборат шеърий асар ижод қилди. Унинг биринчиси «Мажмаун ахбор» номи билан юритилиб, Низомийнинг «Махзанул асрор» асари йўлида унга назира тариқасида яратилган.

Хамсачилик мактабининг кўзга кўринган вакилларидан бири Мавлоно Ашрафдир. Мавлоно Ашрафга Навоий алоҳида ихлос билан қараган, ўзининг «Хамса»сида «Мажолисун нафоис», «Муҳокаматул луғатайн» сингари асарларида шоир Ашрафнинг бадиий ижоддаги хизматларига яхши баҳо берган. Жумладан, «Мажолисун нафоис»да **«Мавлоно Ашраф дарвешваш ва номурод шева киши эди... Кўпроқ авқот «Хамса» татаббуига сарф қилур эрди, то ул китобни тугатар тавфиқи топти...»** дейди ва форс тилида битилган шеърларидан намуналар келтиради:

**Бaнaзди касе кў ба дониш**
**беҳ аст,**
**Зи мужрим қуши,**
**журмбахши беҳ аст.**

Мазмуни: **киши қошида билиб сўзлаш яхши,**
**гуноҳкорни ўлдиришдан**
**гуноҳни кечиш яхши.**

Анъанага айланган ҳақиқатга кўра, «Хамса» ёзган кўп сонли муаллифларнинг ичида энг машҳурлари — улуғ шоирлар Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий деб тан олинган. Навоий маълумотларига кўра, Мавлоно Ашрафни бешинчи хамсанавис, дея таъкидлаш ўринли. Бу хусусда «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай дейилади:

**Бу майдонға чу Ашраф**
**сурди маркаб,**
**Бу сўзни ўзга навъ этти**
**мураттаб.**

Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий ҳақида дил сўзларини айтиш билан бир қаторда, бадиий ижодда, илм-фан тарихида ўзигача маълум бўлмаган Мавлоно Ашраф номи билан машҳур ажойиб шоир хусусида ҳам алоҳида тўхталган:

**Чу етти бу базмгоҳга**
**Ашраф,**
**Бўлди ўзи хурдиға**
**мушарраф.**

**Менким, бу тараф гулзор**
**қилдим,**
**Бу ранжни ихтиёр қилдим.**

Навоийнинг эътироф этишича, Мавлоно Ашраф хамсачилик бобида йирик шоирлардан бири ҳисобланган. «Сабъаи сайёр» достонидаги Навоийнинг қуйидаги мисралари буни аниқ кўрсатиб турибди:

**Гарчи бир нуқтагўй Ашраф**
**ўлуб,**
**Ўзи мақдурига мушарраф**
**ўлуб.**
**Яхши ёхуд ёмон деди ғам**
**эмас,**
**Яхши гар бўлмаса, ёмон ҳам**
**эмас.**

Маълумки, Алишер Навоийнинг умри охирида ёзган асарларидан бири «Муҳокаматул луғатайн»дир. Унда шоир ҳаётининг айрим нуқталарини умумлаштириб баён этган. Жумладан, тўрт девонни ниҳоясига етказгач «Хамса» ёзишга қўл урганини айтиб, уни ёзиб тугаллаш учун кимларга ва қайси асарларга асосланиб иш кўрганини бирма-бир қайд этади, муаллифларни ҳурмат билан тилга олади. Улар Шайх Низомий, Мир Хусрав, Ҳожа Ҳимматий, Мавлоно Ашраф ва ҳазрати Маҳдумлар. Демак, ана шу беш буюк аллома ҳазрати Навоийга устозлик вазифасини ўтаганлар, деб айтишимиз мумкин.

**Назар РАЖАБОВ,**
**Самарқанд Давлат университети профессори**

1998 yil — Oila yili

# АЛЛА — АБАДИЙ ҚЎШИҚ

Жажжи қизалоқ боғчага қатнайди.

Боғчадан кейинги мактаб йиллари ҳам кўз очиб юмгунчалик давр. Қиз бола тез вояга етади. 13—14 ёшли ўсмир қизнинг миясида анча-мунча фикр тўпланиши, унда у-бу ўзгаришлар рўй бериши табиий. У балоғат палласига қадам қўймоқда. Келажакда оилавий ҳаёт кутаётган қизгина бари-барига тайёрми? Мактабда муаллимлар, тарбиячилар, уйда оналар уни оилавий ҳаётнинг бутун мушкулларидан огоҳ этадиларми? Қизгина она бўлишга, фарзанд туғиб парваришлашга, алла айтишга ўзини ҳозирлай олдими?

... Она бешикни асабий тебратади, бола эса ухламасдан уни хуноб этмоқда. Гўдакка на резина сўрғич, на бешикнинг у ёқ-бу ёққа тебраниши кор қилади. Она бечора боласининг осонгина ухлаб қолишини қанчалик истамасин «олишув» авжига чиқарди. Охири жувон сабр косаси тўлиб, ўшқириб берди:

— Ухлай қолсанг-чи, овозинг ўчгир, мунча қон қилдинг мени?

Бешикдаги бола йиғисини баттар авжига чиқарди. У ўзини ухлатувчи малҳам — аллага зор. Она эса алла айтишни билмас, аламини бешикдан олмоқчи эди.

Начора, бундай ҳолатга дуч келганмиз. Ёш оналарнинг алла билмасликлари — фожиа. Ёш келинлар алла айтишни билмасалар, айб улардами? Эҳтимол, уларнинг ўзлари ҳам алла эшитмай улғайгандирлар? Алла ўз оҳанги билан онанинг меҳрини, илиқ нафасини болага етказиб турувчи ришта эканлигини, бу оҳанг мурғак юракни бир зумда тинчлантира олишини эҳтимол улар ўз волидаи муҳтарамаларидан эшитмагандирлар. Бугун мактабда ўқиётган ўсмир қизлар вақти-соати келиб, балоғат ёшига етадилар. Орзу-ҳавас билан турмуш қуришади. Оналик бахтига муяссар бўлишдан ҳеч ким уларни бенасиб қилмасин!

Бугунги қизлар алла айтишни биладиларми?

Хиргойи тариқасида, деб жавоб берасиз. «Алла болам аллаё, жоним болам аллаё» деб такрорланувчи жумланинг эвини келтирсалар ҳам, катта гап.

Аллани нафақат бешикда ётган гўдак, балки катталар ҳам вужуд-вужудлари билан тинглайдилар. Унинг сеҳру жодуси нимада? У шунчаки эрмак учун айтилгувчи қўшиқми ёки илоҳий лутфми?

Билганингизча бу қўшиқнинг таърифу тавсифини келтирасиз. Алла — онанинг ҳис-туйғуси, орзу-армони, инсоний пок ниятлари, қолаверса, дарду ҳасрати. Она алла куйласа, бола ором олгуси.

Алланинг яна қандай сири бор?

У болага хуш ахлоқ берар экан. Меҳр-оқибатни қўш қўллаб алладан олган бола улғайгач, онасига, отасига ўз меҳру мурувватини баравар улашади. Энг муҳими, у ҳеч қачон қабоҳатга, қотилликка, ҳаром-ҳариш ишларга қўл урмас экан. Алла орқали руҳига кўчган она меҳри уни бундай ёмон амаллардан сақлайди.

Буюк табибимиз Абу Али ибн Сино болани бешикка солиб, алла айтишнинг аҳамиятига тўхталиб, бундай деганлар: «Болангизга алла айтинг ва бешикни жуда секин тебратинг».

Бундан бир неча йиллар муқаддам, аниқроғи, 1991 йилнинг ёз ойларида бўлса керак, алла айтувчи аёллар ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтган эди. Саҳнада қанчадан-қанча аллалар айтилмади дейсиз? Гарчанд ўшанда Ўзбекистоннинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган аёллар томонидан айтилган аллалар турли хил бўлса-да, уларнинг муштарак жиҳати бор эди. Бу ҳам бўлса алла оҳангига қўшилиб оққан она меҳри.

Хўш, мактабларимиз нега жим? Улар қадриятларимизни елкасида кўтариб юрган момоларимизни, шоиртабиат оналаримизни нега ўзларига таклиф этмайдилар? Лоақал ўқувчи қизларга ўз эна, буви, момолари оғзидан алла ёзиб келишни тайинламайдилар?

Агар мактаб, ўқитувчилар жамоаси ана шундай савоб ишни амалга оширса, турмушга чиққан қизларимиз бешик олдида ўз боласига зарда қилмасдан, жонга ором берувчи аллани айтиб ўтирар эдилар.

Алла қайси тилда, қай вазиятда куйланмасин, улар бир-бирига яқин ва ҳамоҳангдир. Россия телевидениеси орқали намойиш қилинадиган «Спокойной ночи»даги «баю, баю» қулоғимизга қанчалар ёқимли эшитилса, «Оқшом эртаклари»дан сўнг таралгувчи аллани тинглаб, биз катталар ҳам ширин ҳиссиётга кўмиламиз.

Алла — бу ҳаёт, алла — бу илинж, алла — бу умид, алла — бу тош юракларни ҳам эритгувчи абадий қўшиқ! Сиз билан бизнинг орамизда юрган, сон-саноқсиз аллалар ижрочиси, сочлари кумуш ранг, мунис чеҳраларига эгри-бугри ажинлар қўнган, тишлари тўкилиб, адо бўлаётган момоларимиз, қадамидан ўт чақнаб турган шўх-шаддод, шоиртабиат оналаримиздан алла ўрганишга фақат маърифатли кишилар ундайдилар, бош қўшадилар. Зотан, алла — жамийки тоза туйғулар сингари ўсиб келаётган авлодни ҳам эзгуликка ундайди.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**



**Боланинг бори бахт, билгани байрам деб тўғри айтилган. Унинг юзидаги ҳар бир табассум нималарнидир билгани, тушунганининг аломати бўлса, ажаб эмас. Айниқса, ўқишни, ёзишни ўрганиш болани бошқа бир борлиққа етаклайди. Ана шу борлиқ дунёсига кириш лотин ёзувидаги алифбодан бошланади. Алифбони ўзлаштирган ҳар бир бола учун бу кун унутилмас байрам бўлиб қолади.**

**Суратда: Тошкент шаҳридаги 70-мактабда «Алифбо» байрами.**

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат**

O'qidingizmi?

## РУМДИН МИСРҒАЧА, ХИТОДИН ҲИНДҒАЧА...

Миллатимиз ифтихори Алишер Навоий «Насоимул-муҳаббат» асарида келтирганидек, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари «Нафоҳотул-унс» асарини ёзган пайтида барҳаёт шайхлар ва энг улуғ зотлардан ёлғиз «Ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрор)дан ўзга кишини ул табаррук китобда зикр қилмадилар».

Хожа Аҳрорнинг инсонпарварлиги, олий ҳиммати ва саховатининг шон-шуҳрати шу қадар эдики, «Мовароуннаҳр салотини (султонлари) ўзларин аларнинг муридзодалари ва маҳкуми ҳукми тутарлар эрди. Йўқки, ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки, бир соридин Рум ва Мисрғача, бир соридин Хито(й) ва Ҳиндғача барча мулук ва салотин (подшоҳлар ва султонлар) ўзларин Хожа (Аҳрор)нинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди» ва кўпгина давлатларнинг подшоҳлари ул ҳазратнинг мактубларида айтилган савобли илтимос ва юмушларни тез фурсатда бажо келтиришни ўзлари учун шараф деб билур эрдилар. Алишер Навоийнинг ўзлари Хожа Аҳрорнинг мактубларидан махсус мураққаъ — мажмуа тузган эдилар («мураққаъ ясаб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсинида асрабман»).

Улуғ шоиримиз сингари Абдураҳмон Жомий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ул зоти шарифни ўзларига пири муршид деб билган эдилар.

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ жаноби олийлари шу қадар буюк ва эл ичра суюк пири муршид бўлсалар-да, ул табаррук ва муборак Инсон хусусинда, айниқса, Шўролар ҳокимияти даврида илм-фанда ва бадиий адабиётда ҳақиқатга хилоф равишда турли уйдирмалар тўқиб келинди. Улуғ шайхни давлат унутса-да, эл унутмади, қабридан эса одам узилмади.

Оллоҳ таолога минг қатла шукрлар бўлсинким, ўзбек халқи яна ҳурликка етишди. Истиқлол шарофати ила Хожа Аҳрори Валий шахсиятига ва эшони аъзамнинг бебаҳо меросига ҳурмат ва журъат, адолат ва инсоф кўзи билан қаралиб, ул зоти олийнинг руҳи поклари шод, қадамжолари обод, аждоди шарифлари ва авлоди зарифлари ёд қилинмоқда.




Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати Барот Бойқобилов муршиди комил ҳазрати Хожа Аҳрор Валий аш-Шоший ас-Самарқандийнинг шарафли ҳаёти ва хайрли аъмоли хусусинда «Навоийнома»нинг бешинчи китоби — «Ҳайратул аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») шеърий румонини яратди. Алишер Навоий тили билан айтганда:

**Дедиким: Алар зумраи маънавий,**
**Гуруҳеки, назм эттилар маснавий.**
**Басе маснавийгўйи нозук хаёл —**
**Ки, назм аҳли ичра солиб қийлу қол.**

Мазкур асар Мустақилликка эришган элу юртимиз ҳаётида таҳсинга лойиқ воқеа бўлиб, маънавият ва маданият ёдгорлиги сифатида муҳтарам китобхонларга тақдим этилмоқда. Бу асар севимли шоиримизнинг узоқ йиллик ижодий меҳнатининг шарафли маҳсули ва буюк Валийуллоҳ Хожа Аҳрор шарафига яратилган биринчи йирик бадиий асар бўлиб, «Янги Хамса»нинг сўнгги китобидир.

Шоир айтганидек:

**Ҳурликда битилди «Ҳайратул Аҳрор»,**
**Ўқиганга ҳазрат бўлсин мададкор.**

Асарни Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1997 йилда нашр этди. Масъул муҳаррир Жонибек Субҳон, мусаввир Қутлуғ Башаров.

Xullas...

### ҚАМЧИ ЎРНИДА ЁНҒОҚ

Парамабрибо шаҳрида тез-тез ўтказилиб туриладиган отчопар мусобақасининг навбатдагиси кўпчиликни таажжублантирди. Сабаби, беллашувда қатнашаётган отлардан бирининг шиддати бўлди. Бу чопағон от белгиланган маррага шу қадар тез етиб келдики, ҳатто ўша ерда ҳозир бўлишган маҳаллий суратчи-мухбирлар ҳам шошиб қолишди. Бироқ жониворнинг бунчалик чопағонлигидан сергакланган ҳакамлар, отни текширувдан ўтказишди. Шунда... бечора чопағоннинг эгари остидан ўткир қиррали учта ёнғоқ чиқди. Шўрлик отни қамчилаган номард ёнғоқлар экан.

### ФИЛ ҚУРБОНИ

Бу ғаройиб воқеа Африканинг ўрмонларидан бирида бўлди. Яъни, у ерга киноактёрлар бориб, навбатдаги янги фильмни суратга олишаётган эди. Буни қарангки, фильмда ўрмонзорлардан чиқиб келган фил шу атрофда дарахт ўтқазаётган кишини бўғиб ўлдириши керак эди. Бу, албатта, саҳнада ижро этилиши керак. Аммо саҳна ростанам ҳаётга айланиб кетса бўладими. Начора, англиялик ёш актёр Филипп саҳнада «қизишиб» кетган Шарпа лақабли ўргатилган филнинг қурбони бўлди.

### КЎЗОЙНАК — ТЕЛЕВИЗОР

Англиялик ихтирочи олим Жонсоннинг янги кашфиётини эшит-сангиз ёқа ушлайсиз. Жонсон кўзойнак шаклидаги митти телевизор ихтиро қилди. Унинг айланаси атиги 65 миллиметрни ташкил этади. Энг қизиғи бу телевизорни кўзойнак ўрнида тақиб юриш ҳам мумкин. Керакли пайтда эса маълум «қулоқчасини» бураб мазза қилиб кино кўришингиз мумкин ёки... Энди бу ёғи сизга ҳавола. Маслаҳат беролмаймиз.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

### «МИКАСА» КУБОГИ

**Волейбол бўйича республика федерациясига Хиросимадан машҳур «Микаса» компанияси директори Хирояки Танияридан факс келиб тушди. Унда яқинда Тошкентда волейбол бўйича ўтган жаҳон чемпионати саралаш турнири ўйинларининг аъло даражада ташкил қилинганлиги таъкидланади ва ушбу компаниянинг юртимизда ҳудудий ваколатхонаси очилиб, баҳорда «Микаса» кубоги учун аёллар ўртасида халқаро турнирнинг ўтказилиши тавсия этилади.**

### ТУРКМАНИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

**Москвада МДҲ чемпионлари ўртасида мусобақаларнинг анъанавий ўтказилиб боришидан хабарингиз бор. ФИФА Бош котиби З. Блаттернинг таъкидлашича, бу мусобақа кейинги йили халқаро федерация тасарруфига ўтказилиб, Туркманистоннинг очиқ майдонларида уюштирилиши мумкин экан.**

### НАГАНОДА «ОЛТИН» ҚАНЧА ТУРАДИ?

**Бугун Наганода XVIII қишки олимпиада ўйинлари бошланади. Немис матбуотининг таъкидлашича, ушбу олимпиадада чемпионлик шоҳсупасига кўтарилган ҳар бир германиялик спортчи 30 минг, америкаликлар 27 минг, россияликлар эса энг юқори туҳфа — 180 минг, франциялик ва италиялик спортчилар 75 минг маркадан мукофот олишаркан. Шунингдек, газета Канада, Швеция ва Норвегия спортчиларига чемпион бўлган тақдирда ҳеч қанақа пул мукофоти бўлмаслиги ҳақида хабар беради.**

### «ВОЛЕЙБОЛ КУНИ» БАЙРАМИ

**Тошкентда Республика волейбол федерацияси ташаббуси билан «Волейбол куни» ўтказилди. Ушбу байрамда миллий терма жамоамиз ва СКИФ командаси сардори Евгения Шмитова аёллар ўртасида, «Самтелеком — Кинап» жамоаси аъзоси Александр Рибалкин эса эркаклар ўртасида 1997 йилнинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинди.**

### «НАРХИ» 54 МИЛЛИАРД ЛИРА

**Италиянинг «Милан» жамоаси ҳужумни кучайтириш мақсадида украиналик Андрей Шевченкони сотиб олишга ҳаракат қилмоқда. Шевченко майдонга тушаётган «Динамо» клуби президенти Г. Суркиснинг таъкидлашича, футболчи учун «Милан»дан 54 миллиард лира сўралмоқда. Аммо, бу «нарх» харидорларни қочириб юбориши ҳеч гап эмас.**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«Шерзод — О. Х. Ф.» сифатли ўқув бўри тайёрлаб, истеъмолчиларга етарли миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади. Бўр ўз стандарти ва гигиена сертифакатига эга.**

**МАНЗИЛИМИЗ: Юқори Чирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалиги. Автобус: Қуйлиқ — Ийк ота. (Мўлжал) «Чойхона» бекати.**

DAN hayotidan

## НАЗОРАТ НАТИЖАСИ

Яқинда қорли кунларнинг бирида троллейбус билан манзилга ошиқардим. Йўл яхмалак, қорлар қотиб музлаб қолганди. Худди ойна мисол. Шу пайт 3—4 боланинг ҳаракати эътиборимни тортди. Улар троллейбуснинг кетидан югуриб, унга осилиб олишга тиришишарди. Болаларни шу атрофда бирон киши койиб, бу ишдан қайтармасди. Хўш, шундай ҳолатлар уларнинг ҳаётларига хавф солишини англаб етишармикан? Агар бу ҳол йўл транспорт фожиасининг содир бўлиши билан тугаса нима бўлади? Унга ким айбдор бўлади? Ота-онами, маҳалла-кўйими, мактабми ёки умуман жамиятми? Ахир мен бу бегона десам, сиз шундай десангиз бу каби ҳолларга ким жавобгарлик ҳиссини туяди. Наҳотки, биз барчамиз жамият аъзоси эканимизни унутган бўлсак? Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар, мактаб, маҳалла-кўй теппа-тенг маъсулдирлар. Ана шу нарсани яхши англаган Тошкент шаҳар ДАН ходимлари савобли ҳаракат бошлашди.

Маҳалла-кўй, автомобиль ходимлари билан ҳамкорликда ҳар бир туманда давра суҳбати шаклидаги кечалар ўтказиш йўлга қўйилди. Унга оммавий-ахборот воситалари ходимлари ҳам таклиф этилди. Мақсад улар ёрдамида бу соҳада қилинаётган ва қилинадиган ишларни ёритиб бориш. Яқинда ана шундай тадбирни илк бор А.Икромов тумани ДАН бўлими ходимлари бошлаб беришди. 2-таксопаркда ўтган тадбирда туман ҳокими муовини М.Рустамов, туман ДАН тарғибот бўлими нозири Б.Зиёвиддинов, маҳалла оқсоқоллари, 2-таксопарк ходимлари иштирок этишди. Давра суҳбатида барча ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Далиллардан маълум бўлишича, йўл ҳаракати ходисаларини кўпроқ ёшлар содир этишар экан. Йилига 25—30 минг ҳайдовчи турли қоидабузарликлар сабаби текширилиб, рўйхатга олинаётгани эса шу соҳа мутахассисларининг жиддий иш олиб бораётганлигини кўрсатади. 1996 йилда 2398 та йўл ҳодисаси содир этилган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич анча камайган (2302 та).

Ёшлар иштирокида содир бўлган нохуш ходисалар сони ҳам 1996 йил 684 та бўлса, 1996—97 йил 628 тага камайган. Бу ижобий ҳол. Бунинг учун нималар қилинган? Аввало, ҳар бир мактабга 1 нафар ДАН ходими тайинланиб, тушунтириш ишлари олиб борилган. Тарғибот ишлари ҳам ўз фойдасини берган. Туман ҳокими муовини Р.Миртемиров бу тадбир ҳам ана шундай амалий ишлардан бири эканини таъкидлаб ўтди. Кечада иштирок этган шаҳар ДАН бошқармаси тарғибот бўлими ходимлари ҳали бу тадбир барча туманларда давом этишини айтиб ўтишди.

**Х.АБДУРАҲМОН**

Sport

## ЎҚИТУВЧИ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Эшитдингизми? Ўқитувчи жаҳон чемпиони бўлди!

Уни кўрган одам шу йигитнинг жаҳон чемпиони бўлганига аввалига ишонмайди. Аммо унинг жисмида Алпомишдан қолган қўрқмаслик ҳисси бор.

Таърифланаётган бу кўнгли очиқ йигит Шавкат Жўраев. У 1974 йилда Қашқадарёнинг Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Оилада иккинчи фарзанд. Шавкат 1990 йил, 16 ёшлик чоғида Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 2-спорт мактабига ўқишга келди. Ҳозирда спортнинг самбо тури бўйича шуғулланиб, ушбу мактабда мураббийлик қилмоқда. У халқаро тоифадаги спорт устаси. Шавкат акамиз ҳозир 24 ёшда бўлсаларда, спортнинг самбо тури бўйича 2 марта жаҳон чемпиони, 3 марта Осиё чемпиони ва 8 марта Ўзбекистон биринчилигининг олтин медали совриндоридир. Яна яқиндагина Қозоғистоннинг Оқмола шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда бош совринни эгаллаб қайтди. Келинг, бу туғма истеъдод соҳиби Шавкат Жўраевни суҳбатга тортайлик.

**— Шавкат ака, мусобақаларда қатнашган вақтингизда кўнглингиздан нималар кечади?**

— Аввало, мусобақага борганда она юртим шарафини ҳимоялаш, мен учун азиз бўлган ота-онам ва устозларим эсимга келади.

**— Нима учун сиз спортнинг айнан самбо тури билан шуғулланасиз ва бунга ким сабабчи бўлган?**

— Бунга отам сабабчи бўлган. Ёшлигимда мени спорт залига олиб борган, шароит яратиб берган отамни биринчи устозим деб биламан.

**— Ҳозирги вақтда сизнинг рақибларингиз?**

— Менинг рақибларим ўзбекистонлик Ким Родалф, қозоғистонлик Ермек Алижонов ва ҳозирги энг кучли рақибим 6 марта жаҳон чемпиони, озарбайжонлик Жейхун Мамедов. Жейхунга мен Японияда ўтган жаҳон чемпионатида ютқазганман.

**— Энг қизиқарли учрашувингиз қачон ва қаерда бўлган?**

— Менимча, Алижонов билан курашда бўлган. Ушбу баҳсда Алижонов мендан 2 балл юқори эди. Кейин ҳаракат қилганимгами ё кучимга ишонганим учунми, ушбу баҳсда 4:2 ҳисобида жаҳон чемпионатининг олтин медаль совриндори бўлдим.

**— Устоз ва дўстларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Устозларим Александр Ермишкин, Улуғбек Омонов ва Холбобо Облоқуловлардир. Спортга янада қизиқишим ва мана шундай муваффақиятларда эришишга устозларимнинг ҳиссалари ниҳоятда каттадир. Шу фурсатдан фойдаланиб, уларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Тенгдош ва бирга ўсиб келган дўстларим Мурод Назаров, Салоҳиддин Муродов ва Шоҳбоз Солиевларга келажакда Осиё, жаҳон мусобақаларига қатнашиб, совринли ўринларни олишларига тилакдошман.

**— Келажакдаги орзуларингиз?**

— 10 февралда Тошкентда бўладиган Ўзбекистон биринчилигида ютиш, халқаро мусобақаларга қатнашиш ва энг катта орзуйим Россиянинг Калининград шаҳрида бўладиган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлишдан иборатдир.

**— Биз ҳам бу орзуларингиз ушалишига ва келажакда Ўзбекистон довруғини оламга янада баралла танитишингизда тилакдошмиз.**

**Суҳбатдош: Беҳбуд БОТИРОВ,**
**Тайлоқ туманидаги 15-ўрта мактаб ўқувчиси**

**ЭЪЛОН**

**Тошкент вилояти Пискент туманидаги 27-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Роҳила Аширова номига берилган А-023741 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати ва математика факультети жамоаси «Информатика ва ТТВ» кафедрасининг катта ўқитувчиси Б. Холдаровга онаси**
**Ўғилой ХОЛДАРОВА**
**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси жамоалари инспекциянинг бош эксперти А. Усмоновга опалари**
**Муаттар ЖАЛОЛИТДИНОВА**
**вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Нурлан УСМОНОВ,
Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0986. Тиражи 58104. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6